

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz)

2013-YIL 4-APREL, PAYSHANBA, 42 (8123)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.

## ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИНИ ЯШНАТИБ,  
ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИҚДАН  
СЎЗЛАМОҚДА




Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қишлоқ жойларда амалга оширилаётган бунёкорликларга тўхталар экан, бу борадаги ишларда инсон манфаатлари устуворлигини, аҳолига қулай яшаш шароити яратишдек эзгу мақсад уйғунлигини ҳар биримиз чин дилдан ҳис қилдик. Юртбошимизнинг "Яхши, замонавий уй қурган одамларнинг болалари эртага ота-онасига раҳмат айтади. Энг муҳими, бундай шинам уйларда туғилиб вояга етган болаларнинг соғлиғи, фикри, дунёқараши ҳам бошқача бўлади", деган сўзлари замирида жуда катта маъно мужассам.




2

## САҲИФАЛАРДА:



«LERNEN MIT ZUKUNFT» ЖУРНАЛИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК МЕРОСИ ҲАҚИДА 2

САРМИШСОЙ – ТАМАДДУН ВОДИЙСИ



3



СУСПЕНЗИЯ САМАРАСИ 4



## ▼ ЮРТИНГ ОБОД – ДИЛИНГ ОБОД



# ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР

## КИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИНИ ЯШНАТИБ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИҚДАН СЎЗЛАМОҚДА

### (Боши 1-саҳифада)

Мустақиллик йилларида кишилардаги келажакка ишонч, ватанга меҳр, бунёдкорлик туйғуси, қолаверса, яратилаётган шароит боис қишлоқларимиз тобора кўркамлашиб бораётир. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошланган ҳамда кенг кўлам касб этган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. 2009 йилдан бошлаб амалга оширилиши давом эттирилаётган махсус Давлат дастури қишлоқлар қиёфасини замонавий архитектура, саннат асосида тубдан ўзгартириш, янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш борасида аниқ мақсадли ишларнинг бажарилишига асос бўлмоқда. Президентимизнинг қарорлари билан ташкил этилган «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув

институти, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ҳамда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниялари ана шу жараёнда фаол иштирокчига айланди.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ўтган даврда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кейинги йиллар давомида 23 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлишди. Биргина ўтган йилнинг ўзиде 272 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 8 минг 510 та уй-жой қуриб битказилди. Янги массивларда ўн та мактаб, ўттизга яқин қишлоқ врачлик пункти, етмишдан зиёд маҳалла гузари, юздан ортиқ савдо мажмуаси, ўттизга яқин мини-банк, ўттиз бешта деҳқон бозори, бир юз йигирмадан ортиқ ишлаб чиқариш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг

жорий йил 4 январда имзоланган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан мазкур йилда эса бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирилади. Яъни Обод турмуш йилида юртимиз ҳудудларида умумий майдони 997,1 гектарни ташкил этувчи 353 та массивда 10 мингта яқка тартибдаги янги уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Ушу мақсадлар учун 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтириш мўлжалланган.

Айни пайтда юртимизнинг қай гўшасига борманг, ана шундай бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Энг муҳими, кўркам, қулай, замонавий уй-жойлар юртимиз жамолига ҳусн қўшмоқда. Ушбу ишларнинг асосида инсон манфаатлари устуворлиги, аҳолига қулай шарт-шароит яратишдек эзгу мақсад мужассамдир. Агар ана шу жараён ҳақида юртдошларимиз билан, айниқса, замонавий уйли бўлган кишилар

билан суҳбатлашсангиз, уларнинг беҳад мамнунлигини ҳис қиласиз.

– Қишлоқларимизда бири-бирдан чиройли, шинам гузарлар, савдо ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари, турар-жойлар барпо этилмоқдаки, шаҳардан қолишмайди, – дейди Боёв тумани Қаропчи маҳалласида яшовчи Нарзулла Шарипов. – Замонавий мактаб ва коллежлар, равон йўл ва обод кўчаларни кўриб дилингиз яйрайди. Чиндан ҳам бундан йигирма йил олдинги қишлоқ билан ҳозирги қишлоқни асло таққослаб, тенглаштириб бўлмайди. Пахсадан қурилган пастқам уйлар ўрнини замонавий, дид билан пишиқ гиштдан қурилган кўркам бинолар эгаллади. Одамларнинг диди, қарашлари, яшаш тарзида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бизга шундай шароитларни яратиб бераётган Президентимизга минг бора раҳмат айтамыз.

– Янги уйга кўчиб ўтганимизга бир йилдан ошди, – дейди Зангиота туманидаги Эркин қишлоқ фуқаролар йи-

ғинига қарашли Қуёшли маҳалласида яшовчи Фурқат Йўлдошев. – Ёзнинг жазирама иссиғини ҳам, қишнинг қаҳратон совуғи, қорли-қировли кунларини ҳам шу уйда ўтказдик. Ҳаммаси кўнгилдагидек. Чунки бу уйлар йилнинг ҳар фаслида об-ҳаво ўзгариши ҳам ҳисобга олиб қурилган. Қишлоқ одамларига Юртбошимиз раҳнамолигида шаҳардагидан кам бўлмаган шароит яратиб берилаётганидан беҳад миннатдоримиз.

– Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишлар одамларимизда обод ва янги турмуш кечириш маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди Зангиота туманидаги Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Алишер Навоий номли маҳалла фаоли, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Эркин Фуломов. – Буларнинг барчаси мустақилликнинг, юртимиздаги тинчликнинг шароитидан. Шундай дориларон кунларга етказганига шукрона айтамыз. Фарзандларимга, набираларимга қайта-қайта ўқитиришдан, таъкидлашдан чарчамайман: бу кунларнинг қадрига етинглар. Юртбошимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини тўлқинланиб тингладик. Президентимиз қишлоқни янада обод қилиш борасида фикр юритар эканлар, «қишлоқда яшаётган одамларнинг шароити шаҳардагидан кам бўлмаслиги керак» дея алоҳида таъкидлаб ўтганида ана бир бора англадимки, эзгулик йўлидаги бу каби бунёдкорлик ишлари бардавом бўлади.

Ҳа, бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар обод қишлоқларимиз жамолини янада яшнатиб, тараққиёт ва фаровонликдан сўзламоқда. Бу эса ҳар биримизнинг кўнгилмизда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаб, янги-янги режалар, янги-янги мақсадлар билан тараққиёт сари дадил оқимлашга ундамоқда. Юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда масъулиятимизни оширомоқда.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**  
«Qishloq hayoti» муҳбири.

## «Lernen Mit Zukunft» журнали Мирзо Улуғбек мероси ҳақида

ЯҚИНДА АВСТРИЯНИНГ ЎРТА ТАЪЛИМ, ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ, МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН «LERNEN MIT ZUKUNFT» («КЕЛАЖАК УЧУН ТАЪЛИМ») ЖУРНАЛИ ДУНЁ ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА БЕҚИЁС ҲИССА ҚЎШГАН БУЮК ОЛИМ МИРЗО УЛУҒБЕК ҚОЛДИРГАН БОЙ МЕРОСГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛАНИ ЧОП ЭТДИ.

Мақола муаллифи Александр Ристич Мирзо Улуғбекни атоқли фалакиётшунос ва математик, етук давлат арбоби сифатида таърифлар экан, 1428-1429 йилларда аллома ташаббуси билан бунёд этилган Улуғбек расадхонаси ҳар йили Самарқандга ташриф буюрадиган миллион-миллион сайёҳлар диққатини ўзига тортувчи ва хорижий олимлар учун ўзига хос муқаддас маскан эканлигини алоҳида қайд этади.

Мирзо Улуғбекнинг бугунги кунда жаҳон фалакиётшунослигида муҳим манба сифатида эътироф этилган «Зижи Кўрагоний» («Улуғбекнинг юлдузлар жадвали») асарида мингдан ортиқ юл-


дузнинг самодаги аниқ жойлашувини аниқлай олгани австриялик журналист томонидан юқори баҳоланган.

Шунингдек, муаллиф улуғ олимнинг астрономик йил узунлигини жуда кичик фарқлар билан ўлчгани ва инсониятга тақдим этгани, Фарб олимлари эса бир неча юз йиллар ўтгач, бу ўлчамни замонавий технологиялар ёрдамидагина аниқлай олишга муваффақ бўлишганини алоҳида таъкидлайди.

Бундан ташқари, мақолада баландлиги 30 метр, узунлиги 40 метрдан зиёд иншоот, ўз даврининг ноёб ва қадимий чизмаларни мужассамлаштирган илм маскани — Улуғбек расадхо-

наси ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилади. Айниқса, расадхонанинг марказий қисмидаги ой, қуёш ва бошқа самовий jismlарни кузатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳали-ҳамон дунё мутахассислари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилиши журналхонларга маълум қилинган. «Нафақат олимлар, балки ер юзининг турли нуқталаридан келган кўп сонли сайёҳлар ҳам табиятнинг кўплаб сир-синаотларини ўзиде жо қилган беқиёс илм ва салоҳият намунаси бўлмиш ушбу расадхонани кўриш имкониятига эгадирлар.

А.Ристич ўз фикрини яқунлар экан, бугун Ўзбекистонда етук олим ва дав-



лат арбоби Мирзо Улуғбекнинг бебаҳо мероси асраб-авайланаётганини, уни келажак авлодларга етказиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини юксак баҳолайди.

**«Жаҳон» АА**  
Вена



Сармишсой — Ўзбекистон худудидаги энг кўп ва бекиёс қоятош расмларини сақлаб қолган водийдир. Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, бундан 5-7 минг йил илгари Сармишсойда ҳайвонларни хонакилаштириш ишлари олиб борилган ва бу қоятош суратларида акс этган.


Сармишсой. Бу дарада ҳаёт жуда секин ўтаётганга ўхшайди: сокин ва ўйчан. Неча асрлардан бери «ётавериб» зериккан, елкалари офтобда куйган майсаларга макон адирлар чегараси осмонга туташдай гўё. Ногоҳонда эсан шабада димофингизга шувоқнинг ажабтовур ёқимли ҳидини олиб келади. Бу ердаги нуруний чолни эслатувчи қоялар эса минг йиллик тарих афсонасини сўзлайди.

Сармишсой. Қачонлардир бу даранинг бағри одамлар билан гавжум, ҳаёт қизгин ўтганига қоятошлардаги тасвирлар гувоҳлик беради. Манзаралар қошида инсон ақл-заковати шошади. Гажақдор шохли архар, тоғ эчкилари, ёввойи буқалару тўнғизлар суратидан тортиб камонли овчилар, ов жараёни тасвирини томоша қилиб, етти минг йил аввалги мозий кўз олдимизда гавдаланади. Ҳайвонлар галасининг дупурию овчиларнинг қийқириғи қулоққа чалингандай бўлади. Аждодларнинг шу қадар нафислик билан мангуга муҳрлаган санъат асарлари тошларга-да жон киритган.

Сармишсой қоятош суратлари аждодларимиз ниҳоятда уста рассом ва зукко бўлганлигини намоён этади. Петроглифларга оддий қоятош суратлари, деб қараш асло мумкин эмас. Масалан, «Нур» мавзуси акс этган бир сурат билан аждодларимиз нима демоқчи эканини англашга уринсак: ўта силлиқ, шишасимон тошга ўйиб ишланган, пастдан тепага қараб тасвири туширилган одамларнинг маълум бир ҳаракатлари бир мавзу, бир ғоя атрофида бирлашади. Яъни энг пастдаги суратда тиззалаб ўтирган одамнинг нур ёки ўтти кашф этиш ёки олов чиқариш жараёни акс этса, иккинчисидан машъалани кўлида кўтариб кетаётган киши, кейингиси тандирда нон ёпаётган инсон тасвири. Энг юқорида эса қуёш ва унинг марказида кўлини белига қўйиб ўтирган шоҳ образи кўринади. Уни пастдаги, ғаройиб жонзот устида турган одамлар бошидан тепада тутиб туришибди. Демак, аждодларимиз зулматни ёритган қуёшни, нурни улуглашлари ва ўз йўлбошчиларини ҳам қуёш янглиғ барчага бирдек ёруғлик улашувчи зот сифатида ардоқлашганлари ушбу тасвирларда кўриниб турибди...

Сармишсой дараси ва унинг атрофидаги сойларда 10000 дан ортиқ петроглифлар борлиги аниқланган. Расмларнинг асосий қисми сойнинг ўрта қисмида жойлашган зич тошли 22,5 километр масофадаги қоятошларга ўйиб ишланган. Тасвирлар кембрий геологик даврида шаклланган қизил ва қора рангли кумтошлар ҳамда сланецли қояларнинг тик сиртига, баъзилари ётиқ сиртига солинган. Шу жойда қадимий кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг мазор қўрғонлари жойлашган. Бу эса одамлар ушбу ерга қадимдан ҳар хил диний маросимлар, байрамлар ўтказиш ва ибодат қилиш учун қадимдан ранжида қилган, деган хулосага келиш имконини беради.

Сармишсой петроглифлари энг қадимий услубларда ишланган бўлиб, милoddан аввалги II-минг йиллик охирига та-



## ЮРТИМИЗНИНГ ГЎЗАЛ ТАБИАТИ ДОИМО ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТИБ КЕЛГАН. ХУСУСАН, НАВОЙ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДАГИ ҚОРАТОҒНИНГ ЁН БАҒРИДА ЖОЙЛАШГАН САРМИШСОЙ ТАБИЙ АРХЕОЛОГИК МАЖМУА КЎРИҚХОНАСИ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

аллуқли археологик материаллар орасида ёввойи буқа, тоғ эчкиси, архар ва кўтосларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилган. Милoddан аввалги I-минг йиллик арафасида эса бу ҳайвонлар бутунлай йўқолиб кетган. Кўриниб турибдики, Сармишсойнинг ҳайвонот олами ҳам ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлган.

“Очиқ осмон остидаги музей”, деб номланувчи мажмуа дурдоналари 1966 йилдан бошлаб олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Милoddан аввалги 4-1 минг йилликка ва милодий I-VII асрларга мансуб бўлган расмлар қояларга бронза, темир ва тош ёрдамида схематик, контур, соя ва нақшдор услубларда туширилган. Эътиборлиси, уларнинг баъзилари ёмғир ёққанда кўринса, айримлари қуёш нури тик тушганда пайдо бўлади. Шундай суратлар ҳам борки, уни кўзингиз ёруғлик қия тушганда ёки сояда илғайди.

Сармишсойнинг одамларни ўзига оҳанрабодек тортадиган яна бир жиҳати, — бу, унинг мафтункор табиати. Дара, айниқса, кўклам келиши билан ажиб гўзаллик касб этади. Бинобарин, бу ерда ўсимликлар-

нинг 62 оилага мансуб 650 тури учрайди. Уларнинг айримлари Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган ноёб, эндемик ва доривор гиёҳлардир.

Худуд биохилма-хиллигини бойитишда ҳайвонот дунёси ҳам муҳим ўринга эга. Халқаро “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлардан капчабош илон, эчкимар ва бургутлар билан бирга, қора балиқ, кўлвор илон, сариқ илон, узун оёқли сцинк, жўрчи, зарғалдоқ, каклик, бедана, жайра каби фаунанинг ноёб турлари ҳам учрайди.

Воҳанинг қулай табиий шароити бу ерда одамлар палеолит давридан яшай бошлаган, деган фикрни инкор этмайди. Воҳанинг жанубида жойлашган Учтут чакмоқтош макони ва шахтаси фикримизга асос бўла олади. Бу жой ўрта тош давридан бронза даврига қадар Зарафшон водийси ва унинг атрофида яшаган қабилаларни чакмоқ тош билан таъминлаган.

Бу ерга келиб, ўтроқлашган одамлар асосан сойнинг кенг ва қулай жойларида истиқомат қила бошлаган. Агар синчковлик билан эътибор бериб қаралса, сой қирғоқлари-

даги текисликларда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун қурилган қадимги суғориш иншоотлари ўринларини ҳам кўриш мумкин. Тоғ шароити одамлар ҳаракатини чеклаши табиий. Шу сабабдан бўлса керак, бир марта ўзлаштирилган жойда қадимги одамлар узок муддат яшашган. Авлодлар алмашинуви жараёнида уларнинг дунёқарашидagi ўзгаришлар, янгиликка интилиш, ихтирочилик хусусиятларининг буй чўзиши натижасида турмуш тарзини ўзгартириб борганлар. Уларнинг ҳўжалик ишлари оқибатида табиий ландшафт ўзгарган. Шунингдек, чорва моллари сонининг кўпайиши яйловлар ўрнининг қисқариши тоғ бағридаги табиий ўтлоқ ва ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келган.

Сармишсойдаги барча ёдгорликлар ўзининг табиий ва тарихий ўрнида бўлиб, асрлар давомида табиат ва инсон синовларига дош бериб келмоқда. Тарихий обидаларга бўлган ҳўрмат, улар тўғрисидаги билимларимизни бойитиш маданий меросларимизни, хусусан, Сармишсой дарасини асраб-авайлашимизга омил бўлади. Табиий ва ма-

даний ёдгорликларимизни сақлаб қолиш ва уларни келажак авлодга ўз ҳолича етказиш борасида ҳўкуматимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда «Сармиш» табиат боғи, деб эълон қилинган ушбу тарихий мероснинг умумий майдони 5000 гектарни ташкил этади. «Сармиш» табиат боғи Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни асосида назорат қилинади. Шунингдек, Сармишсой 2009 йил 14 июлда табиий археологик музей комплекс-қўриқхонасига айлантирилди.

Бугунги кунда Сармишсой петроглифлари нафақат республика, балки жаҳон миқёсида аждодларимиздан қолган энг сара гавҳар — маданий ёдгорлик сифатида тан олинди, қалбимизга фахр бағишлаб турибди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, 2002 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Археология институти, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда Норвегия аτροφмуҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги Маданий мерос директоратининг мутахассис олимлари (Анне-Софие Хюген ва Кнут Хелског) билан ҳамкорликда Сармишсой маданий ёдгорликлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётир.

2004 йилдан буён доимий равишда “Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонаси”га хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буюриб, уларга музей хизмати кўрсатилиб келинмоқда. Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2010 йил май ойида Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда замонавий, ривожланган, халқаро музейшунослик тажрибаси ва мавжуд қонун-қоидаларга асосан Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонаси худудида туристик база ҳамда «Ташрифгоҳ» қурилиши лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Шунга кўра, бу ерда кўприк қурилди, ҳозирга келиб йўл ва бинолар барпо этиш учун ташкилий-тайёргарлик ишлари бажарилаётир.

**Сармишсой билан боғлиқ энг катта ва қутилаётган тарихий воқеалардан бири «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКО ваколатхонаси ташаббуси билан ишлаб чиқилган йирик лойиҳа — «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалининг навбатдаги тантаналари жорий йилнинг 4-5 май кунлари Сармишсой дарасида ўтади.** Айни пайтда мазкур фестивалга Навоий вилоятида пухта тайёргарлик қўрилмоқда. Таъкидлаш жоизки, “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивалининг айнан мана шундай кўҳна жойда ўтказилиши мамлакатимиз туристик салоҳиятини юксалтириш, хорижлик сайёҳларнинг қизиқишини янада ошириш, бой маданий меросимиз, миллий ҳўнармандчилик, урфодат ва анъаналаримизни намойиш этиш ва тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Сармишсой нафақат табиатнинг бебаҳо ёдгорлиги, балки, инсоният цивилизациясини ўрганиш, унинг ноёб дурдоналарига баҳраманд бўлишга хизмат қилувчи бетакрор манба сифатида ҳам алоҳида қимматга эга санъат галереясидир.

**Шўхрат НОРМУРОДОВ, “Туркистон-пресс” муҳбири.**



Анжижон Вилояти

# Суспензия самараси сифат ва ҳосилдорлик ошишида намоён бўлмоқда

**Балиқчи–Улугнор йўлидан бораётган эдик. Далада суспензия сепаётган штангали ОВХга кўзимиз тушди. Бугдой майсаларининг текис ривож, дала-нинг покизалиги эътиборимизни тортди ва йўл бўйида тўхтадик. Ҳамроҳимиз “Қишлоқхўжалик-кимё” ҲАЖнинг Балиқчи тумани филиали раҳбари Сайдулло Жўрабоев бу дала “Балиқчи галабаси” фермер хўжалигига қарашли эканлигини, фермер Хурсандбек Бултуров ҳар ишни ўз вақтида юқори сифат билан бажаришга одатланганлигини айта бошлади. Шу орада Хурсандбек бизга пешвоз чиқди.**



штангали ОВХга ишчи эритмаси тайёрлаб бераётган отряд аъзоларининг ишини кузатдик. Яқин йилларда ҳам бегона ўтга қарши гербициднинг фақат ўзи сепиларди. Энди эса гербицид бир вақтнинг ўзида суспензияга қўшиб сепиларди.

– Хайрон бўлманг, – дея изоҳ берди

## Ғаллачиликда ҳосилни тўплаш ва сақлаш зарбдор тўқсон кунлиги

фермер Хурсандбек Бултуров. – Суяқликка гектар ҳисобига бир килограммдан мис талқони, 500-700 граммдан бор кислотаси кукуни қўшиларди. Мис талқони ўсимлик сиртида зараркунандаларга қарши қобиқ ҳосил қилади. Бор кислотаси эса шикастланган ўсимликларга ўзини тиклашга ёрдам беради.

Оддий деҳқоннинг бу қадар самимият билан суспензияга бўлган ишонч сўзларини тинглар эканмиз, 2012 йил май ойида Краснодардан виллоятимизга келган селекционер олима Людмила Беспалованинг Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти тажриба майдонидаги дала кўригидаги маърузаси хаёлимизда гавдаланди.

– Дунёда глобал иқлим ўзгариши кузатилмоқда, – деганди ўшанда у. – Янги бугдой навлари устида тинимсиз ишлаяп-

миз. Оммавий равишда экишга тавсия этилаётган янги бугдой навлари ҳам узоққа бормаи касалликка мойил бўлиб қоляпти. Унинг олдини олишда бугун ягона усул бор. У ҳам бўлса, майсалар парваришида суспензиядан интенсив тарзда фойдаланишдир. Суспензия сепишга эътиборсизлик қилган деҳқон хирмон кўтарилган чоғдагина ношудлигини тан олади.

Олимларнинг эътирофи этишларича, илдиз орқали берилётган маъданли ўғитларнинг атиги 35-40 фоизинигина ўсимлик ўзлаштиради. Қолгани эса тупроқда кристаллга айланаяпти. Суспензиянинг ишчи эритмаси у қадар кўп ўғит талаб этмайди. Ваҳоланки, суспензиянинг 70-80 фоизини ўсимлик барги орқали энгил хазм қилиб, ўсимлик тана қисмининг бақувват бўлишини таъмин этади.

Сифат лабораториясида Краснодар ва маҳаллий селекцияга мансуб бугдой навларидан тортилган унлар қиёсий таҳлил этиб борилади. 2012 йил натижаси бўйича тўла агротехник ишловни олган “Бобур”, “Анжижон-1”, “Краснодар-99”, “Кума”, “Крошка” каби бугдой навларида шаффоф (тиник)лик, клейковина миқдори юқори эканлиги аён бўлди. Бошқа параметрлар бўйича ҳам ижобий ўзгариш бўлганлиги яққол кўринди. Демакки, унинг сифатига пойдевор қайта ишлаш корхонасида эмас, айнан далада бошлаб қўйилади.

**Қобилжон АСКАРОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## ШАРҚ МЕВАХЎРИ

У ШАФТОЛИ, ЎРИК, ОЛХЎРИ, НОҚ, ОЛМА ВА БОШҚА ДАРАХТЛАР МЕВАЛАРИГА ҲАМДА ЁШ НИҲОЛЛАРГА ЗАРАР ЕТКАЗАДИ

Шу боис, зараркунанда-ни ўз вақтида аниқлаш ва тарқалиш ҳудудини белгилаш лозим. Шу мақсадда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади. Шафтоли гуллагандан 10-15 кун кейин ҳамда мева пишиши олтидан боғларда назорат ўтказилади. Шарқ мевахўри билан зарарланган ҳудудлар бўйича карантин инспектори томонидан назорат кундалиги ҳам юритилади ва мунтазам назорат қилиб борилади.

Зараркунанда аниқланганда дастлаб зарарланган, қуриган шохлар қирқилади. Қолаверса, даррахт эски, шиланган пўстлоқларидан мукаммал тозаланади, сўнг ҳаммаси бир жойга йиғилади ва ёқиб юборилади.

Бундан ташқари, даррахт поясида тутқич белбоғ ўраш ва шохларини кимёвий препаратлар билан ҳимоя қилиш чоралари ҳам кўрилади. Даррахт қатор оралари юмшатилади ва поя атрофи доира шаклида кўмилади. Меваларни қадоқлаш ишлари ўтказилган хоналар ҳам яхшилаб тозаланади ва қолдиқлари ёқилади. Мевалар қадоқланган идишларга кимёвий ёки термик усулда ишлов бериш зарур. Мевазор боғларда ушбу тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, кўзланган мақсадга эришилади ва мевали даррахтлардан мўл ҳосил олинади.

**Лутфилла АЛИМОВ,**  
“Тошвидавқарантин” инспекцияси бошлиги,  
**Хусан НУРУЛЛАЕВ,**  
“Тошвидавқарантин” инспекцияси етакчи мутахассиси.

Тошкент Вилояти

# ОБОДЛИКНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида қишлоқлар инфратузилмасини изчил ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан яхшилаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада, қишлоқларимиз қиёфаси янгиланиб, аҳоли замонавий қулайликлар ва шароитларга эга бўлмоқда.**

Қишлоқ жойларда шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини рағбатлантириш, томорқалардан унумли фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўз самараларини бермоқда. Бугунги кунда шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳамда аҳоли томорқаларида етиштирилаётган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари дастурхонларимизга барака киритиб, бозорларимизни тўқин қилмоқда. Энг муҳими, сархил нозу неъматлар эл дастурхонига арзон нархларда тортиқ қилинмоқда. Қувонарлиси, ҳар бир қарич ерга меҳр бериб, уни даромад манбаига айлантираётган омилкор юртдошларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва томорқалар эгаларида ташаббускорлик, изланувчанлик, тиришқоқлик фазилятлари мустаҳкамланмоқда.

Тошкент виллоятида ҳам шахсий ёрдамчи хўжалигини юритаётган, то-

морқаларидан унумли фойдаланаётган оилалар кўпчилики ташкил этади. Виллоятнинг Юқори Чирчиқ туманида аҳолининг аксарияти асосий ишидан ташқари томорқасидан ҳам яхшигина даромад олмақда.

– Тўрт йил бурун ҳовлимиздаги уч сотих ерда иссиқхона қуриб, 50 туп лимон эккан эдик, – дейди Наврўз маҳалласида яшовчи пенсионер Зарифа Нуракбоева. – Ўтган йили дастлабки ҳосилни йиғиб олдик. Қарийб беш юз килограмм лимон сотдик. Кўришиб турибдики, даромад чакки бўлмади. Кичик томорқадан яхши даромад олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим. Буни кўрган қариндошлар ва қўни-қўшнилар ҳам ҳаракатга тушиб қолишди. Уларга иссиқхона қуриш ва экин парвариши бўйича тажрибаимизни баҳоли қудрат ўргатдик. Бугун уларнинг аксарияти ўз томорқасида турли маҳ-

сулотларни етиштириб, рўзгордан ортганини бозорга чиқармоқда.

Дарҳақиқат, томорқа катта ёки кичиклигидан қатъи назар, дастурхонимизни тўқин, турмушимизни обод қиладиган даромад манбаи эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Буни томорқадан олинаётган даромад ҳисобига ўз фаровонлигини янада юксалтираётган кўплаб юртдошларимиз тажрибаси мисолида кўришимиз мумкин.

– Буларнинг барчасига юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизга яратилаётган кенг имкониятлар ва зарур шароитлар натижасида эришилмоқда, – дейди тумандаги Кавардон қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Қулмаҳамат Абдуллаев. – Қишлоғимизда ҳар бир оиланинг ўз томорқаси бор. Аввало, шунинг ўзи катта бойлиқдир. Чунки томорқа одамларни ҳам кийдиради, ҳам тўйдирди. Ўз томорқасида рўзгор учун зарур маҳсулот етиштириб, ортганини бозорга чиқариб сотиш ва шунинг ҳисобидан даромад кўришнинг хосияти бошқача, баракаси бўлақча.

Ҳар бир қарич ер даромад манбаи эканини чуқурроқ англаб етаётган омилкор фуқароларимиз томорқачиликнинг истиқболли ва самарали услулари ҳам ўзлаштирамоқда. Жумладан, Кавардон қишлоғида яшовчи асли кас-

би ҳисобчи бўлган Фаррух Умиров интенсив боғ яратиш ҳамда иссиқхона ташкил этиш ниятида. У яқинда маҳалла фуқаролар йиғини ёрдамида Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти мутахассисларидан бу борада зарур маслаҳатлар олди.

– Ҳовлимизда анор, олма, хурмо, гилос каби кўплаб мевали даррахтлар бўлса-да, ҳар йили камида яна икки туп мевали кўчат ўстираман, – дейди Ф.Умиров. – Ўтган йили ҳовлимиздаги икки сотих ерда кичик иссиқхона қуриб, 30 туп лимон экдим. Аммо шу билангина чекланиб қолмоқчи эмасман. Яқин келажакда яна бир иссиқхона ташкил этишни мўлжаллаяпман. Боғдорчиликнинг истиқболли ва самарали услулари кўллаган ҳолда томорқадан олинаётган даромаднинг кўпайтирмоқчиман.

Фуқароларимизнинг бундай эзгу режаларини рўёбга чиқариш истаги билан яшаётгани – уларнинг эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланаётганидан далолат. Обод турмуш йилида амалга оширилаётган изчил ишлар ҳам шу хайрли мақсадларни кўзловчи юртдошларимизнинг ташаббус ва саъй-ҳаракатларини рағбатлантиришга хизмат қилади.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**  
ЎЗА



# ЭЛ ХИЗМАТИН АЗИЗ БИЛИБ, Элда АЗИЗ бўлди

**БИР УМР ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА БЎЛГАН АЗИЗХОН НОСИРОВНИНГ  
ҲАЁТ ЙЎЛИ МАНА ШУ ЖИҲАТИ БИЛАН ҲАМ ИБРАТЛИ ЭДИ**

**Гулистон туманида яшовчи Умиджон Носиров хонадо-  
нида яқинда ўғил фарзанд туғилди. Янги меҳмонга  
Азизхон деб исм беришди.**

**– Умри билан берган бўлсин, – дейишди қариндошлари.  
– Катта бобосининг йўлини берсин, бобосига тортсин, –  
дейишди яқинлар.**

**– У ҳам боболари каби юртга хизмат қиладиган, эл  
ташвиши билан яшайдиган, элнинг олқишини оладиган  
инсон бўлиб вояга етсин, – дея ният қилишди ота-онаси.**

**– Бобокалони Азизхон Носировнинг исми шарифини  
оқлайди, насиб бўлса, – дейишди кўпни кўрган қариялар.**



Яхшилар  
ёди

Азизхон Носиров. Катта авлод уни яхши эслайди. Ҳа, ўша Сирдарёдаги донгдор хўжаликнинг раҳбари. Эндигина ҳаёт юзини кўрган Азизхон Носиров эса ўша инсоннинг бешинчи авлоди – чевараси. Бобокалонининг ифтихорли исмини ҳали гўдак англаб етмас, аммо унинг исми, яхши амаллари, тажрибаю малакаси ҳамон одамлар, тўғрироғи, гулистонликлар ёдида...

Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай сатрлар бор: “... ҳар кун, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу...”

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг фидойилиги, ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати бошқаларга ҳам юқади, ибрат бўлади. Кишилар беихтиёр уларга ўхшагиси, уларнинг ёнида ишлагиси келади. Бундай инсонлар элни тўплай олади, жамоани шакллантиради. Уларни ободликка, бунёдкорликка йўналтира олади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Азизхон Носиров ана шундай инсон эди. 26 ёшли йигит Андижоннинг Избоскан туманидаги Пойтуғ қишлоғини – обод бир масканни чўлу биёбонга, тўғрироғи, Мирзачўлнинг қамишу қиёқ босган тўқайларига олишганида ундаги шижоат ва жасоратга кўпчилик тан беришганди. Энг муҳими, кўпчилик унинг ортидан эргашишганди.

Андижонлик чўлқуварлар Мирзачўл, яъни ҳозирги Гулистон туманида фаолият бошлашди. Ташаббускор, ғайратли йигит Азизхон Носировни 1939 йилда “Шўрўзак” хўжалигига етакчи этиб сайлашди. Чўлни ўзлаштиришга биринчилардан бўлиб отланган йигит аҳдида собитлигини исбот этди. Бутун маҳоратини, шижоатини, билимини ишга солди. Бошқалардан тажриба ўрганди. Раҳбар дегани эл каттаси, дегани эди. Элнинг эса ташвиши

кўп бўлади. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёнида туриши керак. Қолаверса, водийдан чўлга келган кишиларнинг кўнглини олиш, уларни шу дамдаги оғир шароитда эртанги кунга ишонтириш, меҳнатга муносабатини юксалтириш зарур эди. Бу эндигина ўттизни қоралаган йигит учун анчайин мураккаб иш, катта масъулият эди. Азизхон Носиров барчасини эплади. Эл кўнглини олди, хўжалик иқтисодини кучайтириш учун барча имкониятларни ишга солди. Кейин эса Иккинчи жаҳон уруши... Ундан сўнги оғир йиллар... Урушдан ярадор қайтган Азизхон Носиров “Ўзбекистон” деб номланган хўжаликни ўттиз йил бошқарди. Шу даврда хўжалик худудида янги мактаб, турар-жой бинолари бунёд этилди. Пахта майдонлари кенгайиб, 1200 гектарга етди. Ҳосилдорлик ошиб, гектарига 43 центнерни ташкил этди. Буларнинг барчасида раҳбарнинг бевосита хизмати катта эди.

Ўша даврда, яъни пахта яккахокимлиги авж олган йилларда, бир парча ер топилса, ҳаттоки, мактабу боғча ҳовлисига ҳам “пахта эк” деб турилган бир пайтда, Азизхон Носиров ташаббуси билан 20 гектарлик боғ ташкил



**Бу гулшан ичра  
йўқтур бақо  
гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур  
чиқса яхшилик  
била от.**

Алишер НАВОЙЙ

этилди. Унинг илк кўчатини машҳур боғбон Ризамат ота Мусамухамедов ўтқазиб берди.

Яқинда Гулистон туманида бўлиб ўтган Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг семинарида катнашишга тўғри келди. Тумандаги “Назаркул Фолиб нияти” фермер хўжалигида тадбир иш-тирокчилари томонидан яхши ният билан “Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг боғи” ташкил этилди. Фермер Иномжон Таникуловнинг таъкидлашича, янги интенсив боғ замонавий ва тежамкор технологияга асосланган бўлиб, суғориш — томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида амалга оширилади. Замонавий технология ернинг дарахт учун керакли намга туйинганига қараб ишлайди. Яъни тупроқ керакли микдорда намликка эга бўлди, шу заҳоти компьютер сувни тўхтади. Шунингдек, томчилатиб суғоришнинг яна бир афзал жиҳати, у ёрдамида ўсимликни ривожлантириш мақсадида бериладиган кимёвий препаратни ҳам тежайди.

Фермернинг сўзларини тинглар эканман, Азизхон Носировнинг ўша хайрли амали ёдга келди. Балки, у киши ҳам шундай боғларни бунёд этишни ният қилгандир... Унинг орзулари армон бўлиб қолмади. Бугун кун сайин обод бўлиб бораётган Гулистонни, у ерда барпо этилаётган боғларни кўриб ана шундай хулосага келишимиз мумкин.

– Эндигина катта ҳаётга кириб келаётганимда Азизхон ака мен учун тимсол бўлган, десам адашмайман, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат

кўрсатган маданият ходими Маҳмуд Абдураимов. – Мактабда ўқиш билан бирга туман газетаси таҳририятида ишлардим. Ўша пайтда хизмат юзасидан кўп бора у киши раҳбарлик қиладиган хўжаликда бўлишга тўғри келарди. Овози ширали, вазмин, салобат билан гапирадиган, ҳар бир нарсани эринмай тушунтирадиган Азизхон Носировдан кўп нарсани ўргандим. Айниқса, у кишининг барчани сизлаб гапириши, ҳатто, ёш болаларга ҳам сизлаб мурожаат этиши унга ҳурматимни оширарди. Бу бир жиҳат, албатта. Кўпчилик ундан яхши хусусиятларни ўзлаштирганининг гувоҳи бўлдим.

– Ишчанлик, меҳнаткашлик хислатларига эга бўлиш билан бирга Азизхон Носиров жуда хушмуомала, одамларнинг кўнглини топа оладиган инсон эди, – дейди Сирдарё вилояти “Нуроний” жамғармаси раиси Ўтбосар Абдиев. – Каттаю кичикнинг у кишига нисбатан ҳурматини кўриб, ҳавас қилардик. Айниқса, қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси бўлган даврда ҳам элдошларининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилди. Уларнинг яқин маслаҳатгўйи бўлиб қолди.

Азизхон Носиров ўша шарт-шароит ўта қийин бўлган даврда мажбур бўлиб бир муддат пойтахтга даволаниш учун келганида ҳамқишлоқларига ишидан қолиб кетаётганидан, ҳамқишлоқлари ёнида бўла олмаётганидан сиқилиб хат ёзган эди. Келинг, хатдан баъзи жумлаларни келтирамиз:

“...Тошкентда дардимни қаратаётган бўлсам-да, қалбим, фикр-хаёлим ҳаминша сизлар билан биргадек фараз қиялман. Чунки сиз айни пайтда йил бўйи қилинган меҳнат натижасини – “оқ олтин” хирмонини зўр бериб кўтараётган паллада сизлар билан ёнма-ён туриб, ўзимнинг камтарин ҳиссамни қўшолмаётганимдан ачинапман...”

Мактуб ана шундай сўзлар билан битилган эди. Унда элга хизмат қилишдек самимият уфуриб турарди. Ҳа, у киши ҳаётини меҳнатсиз тасаввур этолмас, “шифони ҳам меҳнатдан топанам”, деган сўзларни бот-бот такрорлар экан.

Азизхон Носировнинг оиласи ҳам ибрат олса арзигулик. Турмуш ўртоғи Шамсиқамархон ая ҳам оқила аёл бўлиб, оиладаги муҳит фарзандлар тарбиясига ҳам ўз таъсирини ўтказганди. Фарзандлар, набиралар ҳам элу юрт хизматида камарбаста инсонлар бўлиб вояга етишди. Энг муҳими, қандай жабҳада хизмат қилишмасин, эл қорига яраш, юртни равақ топтиришга ҳисса қўшиш нияти билан яшаш уларга отаси, бобосидан мерос бўлиб келмоқда.

Донишмандлар дейдики: “Инсон умрини мазмунли ва зиёда этадиган уч омил бор: хайрли амал, илм, қобил фарзанд”. Азизхон Носиров ҳақида сўз юритарканмиз, донишмандларнинг ушбу хикмати хаёлга келаверинди. Зеро, у кишида ушбу хислатларнинг барчаси мужассам эди. Унинг хотираси нафақат фарзандлари, неваралари, шогирдлари, қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассислари, барча гулистонликларнинг хотирасида мудом сақланиб туради. Зеро, яхшилик билан қолган от ҳеч қачон унутилмайди. Дилларда, тилларда, тарих зарварақларида такрорланаверади.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ

## ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ УЗИЛМАС РИШТАЛАРИ

**Халқимиз қадим-қадимдан қўшничилик муносабатларини янада яхшилашга, улар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз “Ховли олма, қўшни ол”, “Ён қўшним — жон қўшним”, “Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши”, “Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир четида ўзинг ўтира-сан” каби ибратли нақлларни ўз ўрнида топиб айтишган. Дарҳақиқат, дардингизга қулоқ соладиган ҳам, бош ёстиққа текканда ҳолингиздан хабар олиб, ширин калом билан кўнглингизни кўтарадиган ҳам оқибатли қўшнилардир.**

Болалик чоғларимни яхши эслайман. Маҳалламизда яшайдиган аҳил, бир-бирига меҳр-оқибати баланд қўшниларимизга барчанинг ҳаваси келарди. Ҳар қандай тадбир қўшниларнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги билан

ташкил этиларди.

Бир болага етти маҳалла ота-она деганларидек, фарзанд тарбиясида ҳам ўша қўшнилар ўзини масъул деб билардилар. Ана шундай соғлом муҳитда тарбия топган қўни-қўшнилар-

нинг болалари келгусида улғайиб, эл-юрт қорига ярайдиган, оиласига, маҳалласига раҳмат олиб берадиган, баркамол инсон бўлиб камолга етдилар. Барча омилар қўни-қўшнилар ўртасидаги ришталарнинг мустаҳкамлигидан, улар ўртасидаги меҳр-оқибатдан далолат беради.

– Яхши қўшни ичингдаги дардингни сен айтмасдан бурун сезади ва қўлидан келганча унга малҳам топишга интилади, — дейди марғилонлик Махфуза опа. — Қўшниларнинг аҳиллигидан қудачилик, қариндошчилик ришталари мустаҳкам боғланади. Умрларининг охиригача бир-бирларига садоқатли бўлиб қоладилар.

